

23.12.2002 йил
12-02

Жинорий ишлар буйича Фаргона
вилоят судининг раиси вазифасини
бажарувчиси
М.Тешабоевга

КАССАЦИЯ ПРОТЕСТ

Жинорий ишлар буйича Тошлок туман
судининг 16.12.2002 йил кунги фукаро
М.Тожибоевага нисбатан маъмурий ишни
иш юритишдан тугатиш хакида карорига

Жинорий ишлар буйича Тошлок туман судининг 2002 йил 16 декабр кунги карори билан Узбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 201-моддаси билан фукаро Тожибоева Мутабархонга нисбатан булган маъмурий ишни иш юритишдан тугатиш хакида МЖтК нинг 36, 271 моддаси 7-кисми ва 309-311-моддаларини куллаб карор кабул килган.

Карор кабул килишда иш буйича М.Тожибоевани яшаш жойига 2002 йил 30 ноябр кунни чакирув когози юборилганлиги, 2002 йил 2 декабр кунни М.Тожибоева суд мажлисига келмаганлиги сабабли уни мажбурий тартибда келтириш хакида ажрим чиқарилиб, ажрим яшаш жойи буйича ижроси килишлик учун Маргилон шаҳар ИИБга юборилганлиги, ажримни назорати вилоят ИИБ га юклатилганлиги, бир неча маротаба ажримни ижро этишлик учун эслатмалар юборилган булишига карамай, ижро этилмасдан, М.Тожибоевани суд мажлисига мажбурий тартибда келтирилиши таъминланмаганлиги маъмурий ишни тугатишга асос килиб курсатилган.

Жинорий ишлар буйича Тошлок туман судининг ушбу карори ноқонуний булганлиги сабабли куйидагиларга кура бекор килиниб, ишни кайта куриб чиқишлик учун юборилмоғи лозим булади.

Ушбу маъмурий иш назорат тартибида урганиб чиқилганида, Маргилон шаҳар Зухро маҳалла фуқаролари йигини томонидан берилган 04.12.2002 йил кунги маълумотномада фукаро М.Тожибоевани Маргилон шаҳар Зухро кучаси 31 уйни 32 хонасида яшашлиги курсатиб утилган булсада, суд мажбурий тартибда келтириш хакидаги 04.12.2002 йил кунги ажримда М.Тожибоевани Маргилон шаҳар Зухро кучаси 31 уйни 31 хонасида яшашлиги курсатилган.

Суд М.Тожибоевани мажбурий тартибда келтириш хакидаги ажримда уни яшаш жойи аниқ курсатиб утилмаган. Бунинг оқибатида ажримни ижро килган Маргилон шаҳар ИИБ томонидан курсатилган манзилда М.Тожибоевани яшашмаётганлиги хакидаги маълумотни тақдим этиш билан чекланилган.

Юкоридаги холатлар шундан далолат берадики, суд фукаро М.Т. аник яшаш жойидан мажбурий тартибда келтириш хакида ажрим қабул қилмади. оқибатида маъмурий иш бир неча кунлаб қурилмасдан қолиб кетишига ва иш қуриш муддатлари утиб кетишига сабаб булган.

Бинобарин Узбекистон Республикасининг «Прокуратура туғрисидаги Қонуннинг 38-моддаси, Маъмурий жавобгарлик туғрисидаги Кодексининг 317 ва 320-моддаларини қуллаб,

ТАЛАБ КИЛАМАН:

Жиноий ишлар буйича Тошлок туман судининг фукаро М.Тожибоевга нисбатан 16.12.2002 йил кунги маъмурий ишни иш юртишдан тугатиш хакидаги қарорини бекор қилиниб, ишни қайта қуриб чиқишлик ушун юборишингизни.

Тошлок туман прокурори
адлия кичик маслахатчиси:



К.С.Бойматов.